



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 1-may. Payshanba 52 (31.799)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

Қонун лойиҳаси бўйича тайёрланган таклифлар

қизгин муҳокама этилди



Давлат мулкни бошқаришда уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бошқарувчи субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнининг қонунийлик, шаффофлик, ошқоралик ва адолатлилигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаетгани партиямиз электроти манфаатлари учун жуда муҳимдир.

Маълумки, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича ЎзХДП фракциясининг ишчи гуруҳи тузилган эди. Фракциянинг куни кеча бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таклифлар қизгин муҳокама қилинди.

▶ Давоми 2-бетда.

Тошкентда «Кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партияларaro рақобат — парламентаризмни ривожлантиришнинг муҳим шарт» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида

сиёсий партияларнинг ўрни мустаҳкамланмоқда

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, ЕХХТ лойиҳалари координаторининг Ўзбекистондаги офиси ва К.Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР), «Миллий демократия институти» (АҚШ) нодавлат ташкилотининг ваколатхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз парламенти куйи палатаси депутатлари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институти, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарни ўтказишдан мақсад ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилашда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Тадбирда мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб бўлиш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, Вазирлар Маҳкамаси масъулиятини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати самардорлигини ошириш кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасига боғлиқ экани таъкидланди.

Замонавий дунёда демократия аҳоли турли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ифода этадиган кўплаб сиёсий партиялардир. Шу боис Ўзбекистонда Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган кен қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади кўппартияли тизимдек замонавий демократия институтини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этадиган партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, эркин ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

▶ Давоми 2-бетда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Иш ўринлари таклиф этилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва «Ўз-қор-газ кимикал» компанияси ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бўш ва янги иш ўринларига мутахассисларни танила олиш мақсадида уюштирилган тадбирга олий ўқув юртлирини тамомлаган, айна пайтда вақтинча ишсиз бўлган 200 нафарга яқин йиғит-қиз қатнашди. Утказилган суҳбат чоғида уларнинг 100 нафари ишга жойлаштирилган ҳамда 3 ойлик махсус курсларда ўқиш имкониятига эга бўлди.

Компания томонидан ҳар ойда икки марта таълим бўш ва янги иш ўринлари бўйича худди шундай тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Мнажтадин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия гуруҳлари фаоллигини ошириш

долзарб масала

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг ўтган йилги фаолияти, истиқболдаги устувор вазифалари муҳокама этилди.



▶ Давоми 2-бетда.



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевоқиф вақиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасидан.

▶ Давоми 2-бетда.

СЎЗ — ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Ижтимоий шериклик

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

«Фуқаролик жамияти институти янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ-ошқоралиги ва самардорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади».

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тақдим этар экан, Президентимиз шундай деб алоҳи-

да таъкидлаган эди. Айна пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида киритилган «Ижтимоий шериклик тўғри-

сида»ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, аҳоли турли қатламларининг ҳу-

қуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегаралар белгиланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун лойиҳаси Ўзбекистон халқ демократик партиясининг гоёларини рўйбга чиқаришда муҳим механизмларни яратиш бериши билан биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мисол учун унинг 3-моддасида ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий таърифи берилган. Хусусан, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институти билан биргаликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, вазирликлар, идораларнинг йўналишлари бўйича тармоқ дастурлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан худудий дастурларни қабул қилишда ҳамкорлик қилиши белгиланган.

▶ Давоми 2-бетда.

Қароримдан мамнунман

Коллежни тамомлаган бир дўстим шахримизда меҳнат ярмаркаси ўтказилаётганини айтиб, унга ҳамроҳ бўлиб боришимни илтимос қилди. Билсақ, ярмарка ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлар ташаббуси билан ташкил этилган экан. Ярмаркада дўстим ўзига муносиб иш топти. Айна пайтда у «Навоий-азот» очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилипти. Ўша кунни яна кўплаб ёшлар ишга йўланма олди.

Тўғриси, сиёсий партия, хусусан, Халқ демократик партиясининг бундай хайрли ишлари мен ва тендошларимга жуда маъқул келди. Шу боис ўша ярмаркадан сўнг ХДПга қизи-

МЕН НЕГА ЎзХДПни ТАНЛАДИМ?

қишим ортди. Унинг Дастури билан яқиндан танишдим, дўстларим билан маслаҳатлашдим. Аниқ бир қарорга келгач, бу партияга аъзо бўлиш учун ариза бердим. ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши қароримни қўллаб-қувватлади.

Ҳозирда партия томонидан ўтказилаётган турли учрашув ва давра суҳбатлари, семинар-тренингларда фаол иштирок этилман. Уларда юртимиздаги сиёсий жараёнлар, қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, ЎзХДПнинг барча даражадаги депутатлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотга эга бўлялман. ЎзХДП аҳоли, айнақса, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб, бу йўлда кўп амалий ишларни қилмоқда. Бундай ҳаётий ва долзарб масалаларни кўтариб чиқаётган партиянинг жамиятдаги обрўси ошиб бораверади, хайрихоҳлари сафи кенгайди. Мен ана шундай сиёсий куч сафида эканимдан мамнунман!

Жавлон ТЕМИРОВ, Навоий давлат кончилик институти талабаси.

Қорақалпоқ Давлат Шухрат музейидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган йили музейнинг 19 нафар ходими партияга аъзо бўлган эди, бу йил уларнинг сафи яна 10 нафарга кўпайди.

Мазкур бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида таънашасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Ишимизга холис баҳо беришимиз

бугунги кун талабидан келиб чиқиб, меҳнат қилишимиз лозим



www.uzbekistonovozi.uz

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни мустақамланмоқда



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

Семинар қатнашчилари партиялар Ўзбекистонда яратилган қонунчилик базасига таянган ҳолда, жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ҳал қилувчи ва самарали кучига айланиб бораётганини таъкидлади. Ҳаётда давр мобайнида партиялар муайян амалий таърибга эга бўлиши мумкин.

— Ўзбекистон қисқа вақт ичида кўппартияли тизимни ривожлантириш йўлида муайян ютуқларга эришди, — деди Тюринг федерал ери собиқ бош вазири, К.Аденауэр номидаги жамгарма марказий бошқаруви аъзоси Дитер Альтхаус (ГФР). — Мамлакатингизда бир қанча сиёсий

партияларнинг фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқдир. Уларнинг ҳар бири фаол ривожланиб, ўз аъзолари ва тарафдорларини сафини кенгайтирмоқда, ҳокимият вакиллик органлари ишларида иштирок этмоқда. Бу кўппартияли тизимни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг ҳар томонлама пухта ўйлангани, сиёсий партиялар фаолиятини таъминлайдиган сиёсий-ҳуқуқий чораларнинг нечоғли тўғрилиги, уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани, сайловчилар ва аҳоли томонидан эътироф этилаётганининг ёрдамида.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепциясини амалга оширишга доир ишлар хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур концепция Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизimini демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг кенг қамламли дастури келажакдаги мақсадлар билан боғлиқ шунчаки декларация эмас, балки муайян чора-тадбирлар тизимидир. Шу нуктага назардан, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим модираларига ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун давлат бошқаруви соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Семинарда демократлаштириш изчил ва мунтазам ривожланидиган жараён бўлиб, халқ ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, парламент демократияси институтларида сиёсий партиялар вакиллиги учун ҳуқуқий майдонни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Шунингдек, янги конституциявий нормалар Ўзбекистоннинг қонун устуворлиги, амалий кучга эга ҳокимият ва кучли фуқаролик жамияти каби аънавий устунларга таянувчи ривожланган демократик мамлакатлар сафига қўшилишдек асосий стратегик мақсадга босқичма-босқич эришишида муҳим қадам экани қайд этилди.

— Ўзбекистонда парламент тизими жадал ривожланмоқда, — деди Жорж Вашингтон университетининг Эплюот номидаги халқаро муносабатлар мактаби профессори Шон Робертс (АҚШ). — Бу мамлакатингиз замонавий парламент тизimini шакллантиришга нақадар жиддий муносабатда бўлаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тараққиётга эришиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ёрдам беради, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустақамлайди.

Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда мустақил тараққиётнинг қисқа даврида парламентаризмнинг бой таърибидан тўлланган. Бу эса, ўз навбатида, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ

ва эркинликларини, давлат механизмининг самарали ишлаши таъминлашга кўмаклашмоқда. Бу борада амалга оширилган ислохотлар бошқа кўплав давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

— Парламентаризмни ривожлантиришдаги ислохотлар миллий ижтимоий-сиёсий тараққиёт хусусиятлари ва халқаро ҳуқуқ стандартлари инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон халқининг таърибаси, бой тарихий ва маданий мероси, қадриятлари ва аънавалари асосида амалга оширилмоқда, — деди Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер-Эммануэль Томанн (Бельгия). — Мамлакатингизда бундай комплекс ёндашув самарасида тақомиллаштирилган ҳокимият вакиллик органлари тизimini ривожланган ва демократик давлатлардаги шундай тизимлардан нафақат қолишмайди, балки қатор кўрсаткичлар бўйича улардан устун ҳамдир.

Фаол мулоқот руҳида ўтган муҳокама яқунларига кўра, халқаро семинар қатнашчилари Ўзбекистондаги демократик ислохотлар ижобий самара бераётгани ҳақида яқдил фикр билдирди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгариланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштиришнинг давом эттириш ва дунёнинг кўплав давлатлари учун мамлакатини демократия тамойиллари асосида самарали ислохот этиш ва модернизация қилишда намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги таъкидланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Партия гуруҳлари фаоллигини ошириш долзарб масала

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан 2013 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда Марказий Кенгаш пленуми қарорлари асосида 2014 йилда бажариладиган асосий вазифалар ҳақида вилоят партия кенгаши раиси Камолддин Исабеков сўз юритди.

— Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичи, сиёсий, демократик, конституциявий ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши партия ташкилотлари ҳамда депутатларимизнинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини кучайтирмоқда, — деди у. — Бундан ўзимизга тўғри ҳулоса чиқариб, фаолиятимизни юқори босқичга кўтаришимиз талаб этиляпти.

Айниқса, партияимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги турли ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан аниқ позициясини шакллантириш учун партия кенгашлари, фаоллар ва депутатлар доимий равишда электрот манфаатларини ўрганиб, ижтимоий соҳада учраётган масалаларни ҳал этиш юзасидан таклифларни шакллантириб бориши зарур.

Шунингдек, аҳоли орасида партияимиз гояларини кенг тушунтириш ишларига замонавий технологияларни жорий этиш, мафкура ва тарғибот-ташвиқот ишларида туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларига ўз вақтида услубий ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга.

Пленумда «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг партияимиз электротлари манфаати билан боғлиқ йўналишлари, хусусан, ижтимоий масалалар бўйича белгиланган вазифалар ижросида ЎЗХДПнинг амалий иштирокини таъминлаш, депутатларнинг назорат функциясинан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди. Айниқса, амалдаги қонун ҳужжатлари ижросида депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, депутатлик сўрови институтидан унумли фойдаланиш, жойлардаги муайян масалалар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида эшитувини ташкил этиш тўғрисида кўпроқ ташаббус кўрсатиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Пленум кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилди.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

СЎЗ — ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Ижтимоий шериклик

унинг ҳуқуқий асослари мустақамланмоқда

Бундай имкониятларнинг кенгайтирилиши жамиятда ижтимоий бирдамликни кучайтириш, аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш каби муҳим масалаларни ҳал этишнинг амалий механизмини вужудга келтирмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этишда ҳам ижтимоий шериклик асослари белгиланмоқда. Бу эса демократик тамойилларга мос ҳолда инсон ҳуқуқларининг тўла рўёбга чиқиши, аҳолининг мақсадли ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш жараёнида партияимиз Марказий Кенгаши экспертлари ҳамда фракцияимиз аъзолари томонидан электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қатор таклифлар берилмоқда.

Лойиҳада ижтимоий шерикликнинг субъектлари белгиланаяпти. Яъни, улар давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидир. Фикриятчи, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари деганда айни қайси ташкилотлар назарда тутилаётганини аниқ ёритиб бериш керак. Шу билан бирга, ижтимоий шерикликнинг аниқ шакллари ифодалиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу кейинчалик қонун ижроси-

да турли тушунмовчиликлар келиб чиқишининг олдини олади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз таърибасида ижтимоий шерикликнинг турли кўринишларидан фойдаланиб келмоқда. Яъни, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан турли лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Мисол учун, ижтимоий-иқтисодий анжуманлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш маркази» ва бошқа қатор лойиҳаларни амалга ошириш чоғида ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантириш бўйича яхши таърибга тўпланди. Шуларни ҳисобга олиб, партияимиз бошланғич ташкилотлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари ўз таклифларини фракцияимизга тақдим этса, бу қонун лойиҳасини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Айтиш керакки, ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари мустақамланаятгани мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш орқали барча соҳалардаги ислохотлар самарасини ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлашга хизмат қилади.

Шуҳрат ТУРСУНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

БАНДЛИК

Топкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Саксонга яқин корхона

800 дан ортиқ бўш иш жойини тақдим этди

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда саксонга яқин корхона ва ташкилот 800 дан ортиқ бўш ва квота иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида асосан шаҳардаги олий ўқув юртли ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари, иш излаётган ёшлар иштирок этди. Иш беворчилар вакиллари корхона ва ташкилотлардаги меҳнат шароитлари, ходимларга ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳақида ёшларга атрафлича тушунча берди. Корхоналардаги иш жараёнлари акс этган видеороликлар намойиш этилди.

— Утган йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини психолог мутахассислиги бўйича битирганман, — дейди Дилноза Назарова. — Бугунги меҳнат ярмаркасида таклиф этилган иш ўринлари билан танишиб, шаҳардаги 115-мактабга таълим муассасасига педагог-психолог сифатида ишга йўланма олдим.

Ярмаркада қирқ нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштириш имкониятига эга бўлди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Қонун лойиҳаси бўйича тайёрланган таклифлар қизгин муҳокама этилди

Йиғилишда, аввало, дунё ҳам-жамиятида «ўзбек модели» деб ном олган, мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилишга қаратилган беш тамойилнинг бири давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини ифода этиши таъкидланди. Ай-тиб ўтилдики, давлат мулкнинг бошқариш барча ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг негизини ташкил этади. Давлатнинг мулк ҳуқуқидан давлат вазифа ва функцияларини амалга ошириш, мамлакат иқтисодиётини тараққиёт эти-тиришда бевосита ёки билвосита таъсир қилиш мақсадида фойдаланилади. Давлат мол-мулкни самарасиз бошқариш эса ўта жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

— Қонун лойиҳасида стратегик аҳамиятга эга давлат мулки

объектлари жумласига аҳолининг ижтимоий эътиборларини қондириш учун зарур бўлган давлат мулки объектлари ҳам киритилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзоси Алия Юнусова. — Уни бошқаришдан мақсад аҳолининг ижтимоий эътиборларини қондириш учун улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, ижтимоий инфратузилмни ривожлантиришдан иборатдир. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг самарасини янада оширишга хизмат қилади. Қолаверса, бу ЎЗХДП дастурий мақсадларига ҳам тўла мос келади.

— Бундан ташқари, давлат мулкнинг бошқаришда уларга эътибор қилиш муносабатда бўлиш, бошқарувчи субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнининг қонунийлик, шаффоқлик, ошқоралик ва адолат-

лилигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани партияимиз электротари манфаатлари учун жуда муҳим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎЗХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлдошев. — Чунки бу партия Дастурида устувор ҳисобланган муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш вазифалари билан бевосита боғлиқ.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат мулкнинг фойдаланиши самарадорлигини оширади, давлат мулки объектларини бошқаришнинг ягона тизimini яра-тади. Унинг тузилиши ва таркибини оптималлаштиришга имконият яратиши билан ЎЗХДП Дастурида алоҳида эътибор қаратилган мулк муносабатларининг янги тизimini шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига доир вазифа-

Давлат мол-мулкни самарасиз бошқариш ўта жиддий салбий оқибатларга олиб келади.

ларнинг самарали ҳал этилишига хизмат қилади.

Айтиш керакки, «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақомиллаштириш юзасидан фракция ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таклифларда партия дастурий мақсадлари ва электрот манфаатлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, уларда қонун лойиҳасига унинг предмети нуктага назардан ёндашиш, соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари меъёрлари билан бир хиллигини таъминлаш, қонунчилик техникаси ва тахририй масалаларга ҳам эътибор қаратилган.

Йиғилишда қонун лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган фракция таклифларини масъул қўмитага тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

◀ Давоми. Боши 1-бетда.

Иш ўринлари ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси таҳлил этилди.
Камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар айтилди

ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

2014 йилнинг биринчи чорагида Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Фарғона вилояти Фарғона, Кўкон шахарлари ҳамда Ёзёвон, Кўштепа ва Данғара туманларида бажарилиши тўғрисидаги масала халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилди.

Маълумотларга кўра, дастурда 2014 йилда вилоятда жами 92,5 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланган. Шу йилнинг биринчи чорагида 21,2 минг ўрнига 22092 та иш жойи ташкил этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур иш ўринларининг 67 фоизи қишлоқ жойларида яратилиб, уларнинг салмоқли қисми ишчи кучига эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Фарғона шахрида 2,2 минг, Кўкон шахрида 2,2 минг, Риштон ва Қува туманларининг ҳар бирида мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 60614 нафари ишга

қабул қилиш шarti билан амалиёт ўташ учун корхонада бириктирилди ва уч томонлама шартномалар тузилди. Расмий ҳисоботларга таяниб айтиш мумкин, Фарғона, Кўкон шахарлари, Кўштепа, Данғара ва Ёзёвон туманларида иш ўринлари ташкил этиш бўйича барча кўрсаткичлар ижобий. Аммо ўрганиш ҳудудларда янги иш ўринлари ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилгани ҳам кўрсатди. Хусусан, айрим корхона, муассаса, ташкилотларда дастурда белгиланган режалар бажарилмаган. Масалан, Фарғона механика заводида 10 та касаначилик иш ўрни яратилмаган. «Фарғонадонмахсу-

лотлари» АЖда февраль ойида белгиланган 10 та иш ўрни 1 та иш ўрни яратилган. Шунингдек, Фарғона ёғ-мой АЖда 17 та иш ўрни яратиш белгиланган, аммо шахар бандлик дастурига киритилгани тўғрисида оғохлантирилмаган. «Автотеххизмат» корхонасида 80 та иш ўрни яратилиши белгиланган. Жойига бориб ўрганилганда эса бу рақамни бажаришнинг реал имконияти йўқлиги, корхона бўғини кунда ижарада турганлиги, аэропорт ҳудудида янги бино қурилиши яқини еттидан сўнг 14 та янги иш ўрни яратилиши маълум бўлди.

Кўкон шахрида ўтказилган таҳлиллар домида дастурга кирган 6 та корхона ва ташкилотда биринчи чорак яқини бўйича жами 17 та янги иш ўрни яратилмади қолган. Бундай ҳол Данғара, Кўштепа, Ёзёвон туманларида ҳам кузатилди.

Ўрганиш хулосалари умумлаштирилиб, ЎЗХДП гуруҳи йиғилишида атрофича муҳоказалар ташкил этилди. Депутатлар мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича ҳокимликлар ҳисоботларини сессияларда эшитиш лозим, деган таклифни ўртага ташлашди ва бу ташаббус қўллаб-қувватланди.

— Биз дастур доирасидаги лойиҳаларга аниқ ҳолат ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритяпмиз, — деди **Фарғона шахар ҳокими ўринбосари Нурали Назаров**. — Танқидлар ўринли, камчиликларимиз бор. Айни кунда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқаяпмиз.

Ҳоким ўринбосари таҳлил аниқ далиллар асосида тайёрланиши, ижро ҳокимияти фаолияти устидан депутатлик назорати пайдо бўлгани янада самарали ишлашга ундашни таъкидлади.

— Ёзёвон туман иқтисодиётида ҳозирча саноатнинг улуши нисбатан кам. Хўш, нега энди қишлоқ хўжалигида кўп тармоқли фермер хўжалик ташкил этиш суст олиб бориляпти? Ахир шундай усул янги иш ўринлари яратишда қўшимча имкониятлар беради-ку, — деди **депутат Фуркат Ҳомидов**.

Кўштепа туманида яқин тартибдаги тадбиркор деб рўйхат қилинган шахслар асосида дўконларида 3-5 нафар киши ишлатаётгани, ишчиларга меҳнат дафтарида очилмагани, натижада улар ижтимоий ҳимояда қатор имтиёزلардан фойдалана олмаётгани маълум бўлди. Бунинг устига солиқ тўловларида ҳам қонунни бузиш ҳолатлари эътибор қаратган депутатлар ҳокимлик уларни зудлик билан рўйхат-

дан ўтказиш чораларини кўриш лозимлигини таъкидлашди.

— Янги иш ўринлари яратишга ижодий ёндашиш зарур, — деди **депутат Файзулло Қосимов**. — Ўрганиш домида дастурга киритилган 112 та лойиҳа бўйича 900 та иш ўрни яратиши лозим бўлган ташкилотлар имконияти чекланганлиги аниқланиб, режадаги иш ўринларини очиш бошқа субъектлар зиммасига юклатилди.

Агар маълум бир сабаб билан дастурнинг бирор банди ёки лойиҳасини бажаришда муаммо туғилса, ижро жараёнида янги лойиҳаларни киритиб бериш ўринли, деб ўйлаймиз.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманда, кам даромадли қатлами ва имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган фуқаролар манфаати учун курашиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий вазифаларидан биридир, — дейди **ЎЗХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Маҳмуджон Маҳкамов**. — Шу нуқтаи назардан партия томонидан қатор амалий ташаббуслар қилари сурилмоқда. Иш билан бандлик эса ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим шартидир. Биз бу борада мониторинг ўтказдик, вазифани бажардик, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Уни ҳар чорак, керак бўл-

Ўрганиш домида дастурга киритилган 112 та лойиҳа бўйича 900 та иш ўрни яратиши лозим бўлган ташкилотлар имконияти чекланганлиги аниқланиб, режадаги иш ўринларини очиш бошқа субъектлар зиммасига юклатилди.



Ой ёрдамида



ер сайёрасини ёритиш мумкин

Маълумки, Ернинг табиий йўлдоши бўлмиш Ой тунда Кўёш нурини кайтариб, Ерни ёритади. Фақат бу ёруғлик кучси бўлгани боис ёруғлик хира бўлади. Аммо бу ёруғликни бир неча баравар кучайтириш мумкин экан ва тунда ҳам кундуздак кўриш имконияти пайдо бўлади, агар...

Швециянинг «Fogeo» тадқиқот маркази олимлари Ой сиртининг маълум ҳудудини ўзгартириш таклиф қилмоқда ва бу йўл билан Ер сайёрасини тунлари кундуздадек ёритиш мумкинлигини таъкидламоқда. Натижада кечалари чироқларга эҳтиёж қолмайди, кўчаларни ёритиш учун сарфланадиган электр энергияси эса иқтисод қилинади ва бу Ер шарни экологияси яхшиланишига оlib келади. Яъни, электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага захарли газлар ажралиб чиқишининг олди олинади.

Бу улкан лойиҳа юзасидан амалий ишларни ҳозирдан бошлаш лозим. Акс ҳолда она сайёраимиз мамлакатлари аҳолиси энергетика инқирозига учраши эҳтимолдан холи эмас.

— Мазкур ўрганишлар бандлик дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — деди у. — Натижалар таҳлили Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партияимиз фракцияси ташаббуси билан 2014 йилда ўтказилиши режалаштирилган парламент эшитувининг самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Жазирама сабаблари



илмий ўрганилди

Буюк Британия, Бельгия, Германия ва Нидерландия тадқиқотчилари 2003 йили Францияда ва 2010 йили Россияда юз берган табиат ҳодисаси — ўта жазирама сабабларини илмий тадқиқ қилдилар ва ўз хулосаларини «Nature Geoscience» журналида чоп этдилар.

Олимларнинг ҳисоблашларича, бундай қутилмаган жазирама ва кургоқчиликнинг юз беришига атмосфера қатламнинг куйи бўғинида юқори ҳарорат ва босимнинг ортishi сабаб бўлган. Айнан бундай жазирама намлик паст бўлган ҳудудларда юз берган, яъни кундузги ҳарорат кечаси ҳам тушмаган ва бу атмосферанинг куйи қатламда юқори босим ва ҳароратни бир неча ҳафта «ушлаб» турган.

Ҳароратнинг бундай аномал кўриниши яқин йилларда ўзга ҳудудларда ҳам яна такрорланиши ва бу жазирама ҳамда кургоқчилик меъриёи ҳолатдан бир неча баробар ортishi мумкинлиги олимлар томонидан инкор этилма-япти.

Тери саратонига чалинганлар



7 баравар кўпайган

Буюк Британия олимлари кейинги 40 йилда тери саратонига чалинганлар 7 карра кўпайганини таъкидлашмоқда. Уларнинг асосий қисми чўмилиш хавзаларининг ашаддий ишқибозларидир. Яъни, улар чўмилган, албатта, кўш нурда тобланиб, терисини «куйдирадилар». Бу эса вақтлар ўтган, тери саратони юзага келишининг асосий сабабчиси бўлади.

«Аргументы.ру» сайти хабар беришича, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда аҳолининг чўмилиш хавзаларида дам олиши оммавий «мода»га айланиши ва кўш «ваннаси» қабул қилиш борасида меъёрга риоя этмаслик бу хасталик кўрсаткичи кўпайишини юзага келтирди.

Олимлар маълумотларига қараганда, Буюк Британияда йилга 2 минг киши тери саратони туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Яқинда австралиялик олимлар фермерлар, савдогарлар, курувчилар ва хайдовчилар орасида ҳам бундай касалликка чалинганлар кўпчилигини ташкил этишини аниқлади. Чунки улар ҳам кўш нурда кўпроқ юради.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Нима эксанг, шуни ўрасан...

Гийҳвандлик инсоният бошига солаётган кулфатнинг чеки йўқ. Миллионлаб кишилар бу оғудан азият чекмоқда, ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йиғитлар нобуд бўляпти, майиб-мажрўх болалар дунёга келмоқда.

Ана шундай бахтсизлик ва кулфатлар эвазига мўмай даромад топишга ҳаракат қиладиган худбинлар борлиги ўта афсусли ҳол албатта. Гийҳванд моддаларни етиштириш, сақлаш, сотиш орқали даромад топаётганлар қанчалар одамлар, айниқса, ёшлар умрига зомин бўлаётганларини ўйлашмайпти. Бегуноҳ одамлар кўз ёшлари, кулфатлари ҳисобига топиладиган пулга кун кўраётган, бола-чакасини боқаётган бундай кимсалар икки дунёда ҳам жазога муносиб эмасми?

Шўрчи туманининг «Фармажўргон» маҳалласида яшовчи Фахриддин Худойбердиев ҳам ана шундай қабиҳ йўл орқали катта даромад топишни хаёл қилган эди. Ўтган йилнинг эрта баҳорида Фахриддин «деҳқончилик»ни бошлаб юборди. Уаига тегишли анорзорни юмшатди, текислади ва... кўздан пана жойга анави зорманднинг уруғини ташлади. Уни эҳтиёт бўлиб парварिश қилди. Августда «ҳосил»ни йиғиштириб олди — чаккимас. «Хирмон»га қараб, сотувдан келадиган фойдани чамалади — чаккимас...

Олинган «ҳосил»нинг бир қисми гурут қутилларда «қадокланди», қолгани эса кейинги савдо учун яшириб қўйилди. Энди «молни» ўтказиш керак. «Харидор» ҳам топилмади. Фахриддин «Элбоя» маҳалласида яшовчи таниши Тошпўлат Пардаевнинг хонадонига бориб, унга дил ёрди: «Ака, менда озроқ «дори» бор, шуни «проба» қилиб кўрай-сизми?». Хонадон соҳиби «бажонидил» рози бўлди...

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмай «харидор» «сотувчи»га нолиган киши бўлди:

— Ўтган гал олингани нам экан, яширидан борми?

— Бор.

— Хўш, олсам, қанчадан берасиз?

Узоқ тортишувдан кейин кейинги «савдо» ҳам амалга ошди.

Қинғир ишининг миси чиқиши тайин. Аввалги «ови» бароридан келган оғуфурчи навбатдаги «юриши»да «тўр»га илинди. Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда унинг хонадонидан «марихуана» гийҳвандлик моддаси ашёвий далил сифатида олинди.

Фахриддин Худойбердиев Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман судининг ҳукми билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳар қим эканини ўради, деган мақол бор. Ёмонлик уруғини тарқатишни одат қилиб, разолат ботқоқига ботган оғуфурчи ўзи етиштирган «ҳосил» «мазаси»ни татиб кўрмоқда — нақадар аянчли, нақадар ачқик...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ХАЛҚ BANKI

Фаровонлик ва муносиб турмуш кафолати

Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялли ҳажми 30 фоизга ошди. Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиб, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани ҳар минг киши номига 1 минг 28 та ҳисоб-рақами очилгани халқаро меъёрлар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Хусусан, биргина давлат-тижорат Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали томонидан ки-чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, шу соҳа билан шуғулланиш истагида бўлган коллеж битирувчиларида 116 нафарига 622 миллион сўм миқдорида кредит берилиб, белгиланган режа 143,6 фоизга бажарилгани диққатга сазовордир.

— Коллежда ўқиб юрган кезларимда мазкур филиал ходимлари томонидан ўтказилаётган учрашуларда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини беришчи сертификатга эга бўлган ёшлар ўз бизнесини ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришаётганликлари ҳақида эшитган эдим, — дейди **коллеж битирувчиси, деҳқончилик Аббор Жумаев**. — Мана, мен ҳам уларга ҳавас қилиб, шундай сертификатни кўлаб киритдим.



тадбиркорларга ҳам кенг имкониятлар яратилди, — дейди **Қарши туманидаги «Хикматова Мукари-М» хусусий корхонаси раҳбари М.Хикматова**. — Ёшлигимдан тики-бичиш ишлари билан машғул бўлганман. Шунинг учун ҳам хуна-римни бошқаларга ўргатиш, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйиш мақсадида Халқ банкининг Қарши тумани филиалига лойиҳамни тақдим этдим. Банк ходимлари уни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, менга 240 млн. сўм кредит маблағини ажратди. Берилган кредит маблағи эвазига каштачилик ва тўй ли-бослари салонини очдим. Ҳозир-да бу ерда 20 нафар маҳаллий аёл меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқара-ётган маҳсулотларимиз харидор-лар. Банклар кредитидан самара-ли фойдаланиш юксалишига олиб келишини ўзининг мисолимида яна бир бор гувоҳи бўлдим.

Филиал жамоаси ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантираётгани уларнинг фаолият турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Мисол учун, ўтган йил м-байнида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва ички бозорни тўлдириш мақсадида тадбир-корлик субъектларига 7 миллиард 938 миллион сўмлик кредит аж-ратилган бўлса, ноозиқ-овқат ис-теъмол товарлари ишлаб чиқари-шига йўналтирилган кредитлар миқдори 12 миллиард 104 миллион сўми ташкил қилди. Бундан таш-қари, шаксий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамоллар сотиб олиш учун 3 миллиард 619 миллион

сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сер-вис соҳасини ривожлантиришга 1 миллиард 87 миллион сўмлик сар-моялар берилгани ҳам ўз самар-асини кўрсатмоқда. Ажратилган кредитлар ҳисобига минглаб одам-лар доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Халқ банки доимо халқнинг дардини ўйлайди, десам муболаға бўлмайди, — дейди **Касби тумани Мўғилон қишлоғидаги «Мўъжиза-нон» хусусий корхонаси раҳбари Қоржов Қувватов**. — Нон маҳсу-лотлари харид қилиш учун туман марказига бориш керак эди. Қиш-лоқдошларимизнинг оғирини ен-гил қилайин, деб Халқ банкининг Касби туман филиалига мурожа-ат қилган эдим, барака топишсин, менга 50 млн. сўм кредит ажра-тишди. Бу маблағга хориждан нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришига мўлжалланган ускуна сотиб олиб нон ва қандолат маҳ-сулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. 10 нафар янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда халқимиз дас-турхонига бир неча турдаги си-фатли нон ҳамда қандолат маҳсу-лотлари етказиб бермоқдамиз.

Жорий йилда ҳам банк жамоаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратишга қар-атилган кўлаб лойиҳаларни мо-лиявий қўллаб-қувватлашни, шу орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва халқим-из фаровонлигини таъминлашни мақсад қилган. Банк бу йўлда бар-ча имкониятларини сафарбар қил-моқда.

Халқ банки матбуот хизмати

Гран-при ва «Катта дубулга» туркумидаги мусобақалар олдидан дунёдаги энг кучли дзюдо усталаридан бири, икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон олимпиадалари совриндори Ришод СОБИРОВ билан келгуси режалари хусусида суҳбатлашдик.

— Ришод, Сиз Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида жорий йилнинг 19 сентябрь - 4 октябрь кунлари ўтадиган XVII ёзги Осиё ўйинлари элчиси номига сазовор бўлдингиз. Аввало, шундай ишонч билан қутлаймиз. Бу олдигизга қандай мақсадларни қўяди? — XVII ёзги Осиё ўйинлари элчиси бўлиш ҳар бир спортчи учун ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Бунинг учун мусобақа ташкилий қўмитасига ўз миннатдорчилигини билдираман. Инчеон шаҳридаги Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришиш учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан.

— Ўтган йили мамлакатимизда илк бор дзюдо бўйича Гран-при мусобақаси ўтказилди. Халқаро дзюдо федерация мусобақалари тақвимидан жой олган уш-

Янги вазн тоифасида ҳам чемпион бўлмоқчиман



бу нуфузли турнирда дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан энг сара полвонлар голиблик учун куч синашди. Ришод, бу нуфузли турнирнинг пойтахтимизда ўтказилишини қандай баҳолайсиз? — Гран-при туркумидаги бахслар дзюдо оламининг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланади. Бу мусобақани ўтказиш ҳуқуқини қўлга кириштириш учун меҳнат билан бир

мунча талабларга жавоб бериши керак. Масалан, замонавий машғулот майдонлари, дзюдо спортга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ушбу спортнинг оммавийлик даражаси шулар жумласидандир. Ҳар йили ўнга мамлакат ушбу турнирда даъвогарлик қилади. Халқаро дзюдо федерацияси ана шундай йирик тадбирни ўтказиш ҳуқуқини Ўзбекистонга бергани, авва-

ло, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг меваси ва ўзбек дзюдо мактабининг юқори салоҳияти ҳамда дзюдочиларимизнинг жаҳон майдонларидаги ютуқлари эътирофидир. — Маълумки, 60 килограмм вазн тоифасида сизга тенг келадиган дзюдочи йўқ эди. Аммо вазн тоифангиз ўзгаргач, мухлис-

лар ҳали галабангизга гувоҳ бўлишмади. Вазнини ўзгаришигизга нима сабаб бўлди?

— 2008-2012 йиллар мобайнида вазнимни 60 кг. да ушлаб тургандим. Лондон олимпиадасидан сўнг вазнимда ўзгаришлар юзага келди. Спортчида бу ҳол табиий жараён ҳисобланади. Яъни жисмоний ҳаракатлар, овқатланиш меъёрлари тана аъзолари ривожланишига сабаб бўлади. Ҳозир машғулотлардаги вазним 67-68 килограммга тўғри келмоқда. Демак, бошқа вазн тоифасида ўз кучимни синаб кўришим керак, деб ўйладим.

Тўғри айтдингиз, ҳали янги вазнда ютуқларни қўлга киритганим йўқ. Дзюдода ҳар бир вазн тоифасида ўзининг профессионал ва етакчи спортчилари бор. 66 килограмм вазн тоифасида ҳаммасини бошидан бошладим. Одатда янги вазнга кўниқиб ва энг кучли дзюдочилар қаторига қўшилиш учун бир ярим-икки йил вақт керак бўлади. Янги вазнда турган мусобақада қатнашдим. Тўғриси, оёғим кучим ва тажрибам етишмади. Айни пайтда мана шу камчи-

СПОРТ

Полвонларимиз галабаси

Куни кеча Астана (Қозоғистон)да юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпиони нихоясига етди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли қатнашди.

Мусобақанинг дастлабки кунларида мухлислар эркин кураш беллашувлари гувоҳи бўлдилар. Бахсларда полвонларимиздан Фуркат Фармонов (65 кг), Ихтиёр Наврўзов (70 кг) ва Рашид Курбонов (86 кг)лар ўз вазн тоифаларида бронза медали билан тақдирланди. Чемпионат дастуридан жой олган юнон-рум кураши учрашувлари ҳамюртларимиз учун янада омадли кечди. Айниқса, 59 кг вазн тоифасида гиламга чиққан истеъдодли полвонимиз, амалдаги Осиё чемпиони Элмурад Тасмуродов мутахассис ва мухлисларимизни ўзининг биридан чиройли галабалари билан қувонтирди. У мусобақанинг саралаш бахсларида Қозоғистон, Жанубий Корея ва Қирғизистон вакиллари билан, ҳал қилувчи финалга йўлланма олди. Финал беллашувида Элмурад япониялик Шинобу Отани мағлуб этиб, иккинчи мартаба Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Яна бир ҳамюртимиз Рустам Аскалов (85 кг) медални қўлга киритди. Мусобақанинг охири кунда энг оғир вазн тоифасидаги полвонимиз А.Мама-солиев бахсларда мураббийлар ишончини оқлади. У Осиё чемпионатининг навбатдаги бронза медали билан тақдирланди.

Эркин ХОЛБОБОВ

Reklama ўrinida

UZTELECOM «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси

UZMOBILE филиали жамоаси

мамлакатимиздаги алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини **7 МАЙ — АЛОҚАЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИ** ҳамда юртдошларимизни **9 май — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ** муносабати билан табриклайди!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!

UZTELECOM «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
акциядорлик компанияси тизимидаги

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси ходимларини **Алоқачилар касб байрами** ҳамда мамлакатимиз аҳлини **Хотира ва қадрлаш куни** муносабати билан муборакбод этади!

Она Ватанимиз равнақи, истиқболи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омадлар тилайди!

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslithiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 560
18743
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5